



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 54 (11.365) Баҳоси эркин нарҳда

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «IEG-Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан бир нечта ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Uzbekistan Energyweek — 2009» тўртинчи Халқаро Ўзбекистон иختисослашган энергетика кўргазмаси очилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Жиззах, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари босқичи бўлиб ўтди.
- Навоий вилоятида ҳудудий инвестиция киритиш масаласига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда 500 га яқин тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган лойиҳалар билан иштирок этди. Анжуман давомида муҳим ва истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга келишиб олинди.
- Бутунжаҳон сув кўни муносабати билан кеча Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида дахлдор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган анжуманда республикамизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.
- Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида ўтган йили 3266 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткични 4800 тага етказиш кўзда тутилмоқда.
- Сирдарё вилоятидаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида теле ва радиоаппаратура ни таъмирлаш бўйича «Касб маҳорати» танлови ўтказилди.
- Тошкентда Япония ҳукуматининг маданият йўналиши бўйича кичик қўламли лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури асосида грант-шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.
- Тошкентда Ўзбекистонлик биринчи гротмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган III анъанавий халқаро шахмат турнири бошланди. 26 мартга қадар давом этадиган мусобақада юздан ортик шахматчилар ўзаро куч синашмоқда.
- Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг ҳарбий қасамд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.
- Урганч қурилиш касб-хунар коллежиде ўтказилган меҳнат ярмаркасида 82 та корхона ва ташкилот 939 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида 286 киши иш жойига эга бўлди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Касба сатрларда

- **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан ўтказилган тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ва тобора яқинлашиб келаётган эзгулик айёми Наврўзи оламга бағишланди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган викторина «Наврўз афсоналари» деб номланди.
- **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишлаб ўтказилган «Куллика рози бўлманг» мавзусидаги тадбирда тумандаги касб-хунар коллежларининг ўқувчилари иштирок эттиди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни масаласига бағишлаб **КЕЧА** уюштирилган давра суҳбатида партия фаоллари ва ёшлари иштирок эттиди.
- **ШАҲРИМИЗДА** Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ташаббуси билан ёшлар ўртасида ташкилланган «Нотиқлик санъати» кўрик-танлови республика босқичи фойдалари ни тақдирлаш маросими ўтказилди.
- **МИРЗО** Улугбек туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман фаоллари, корхона-ташкilotлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, маҳаллалар оқсочоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш масаласи муҳокама қилинди.
- **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** Халқ амалий санъати музейида ташкил этилган халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси «Безакларда ҳаёт жилоси» деб номланди. Ушбу тадбир 26 мартга қадар давом этади.
- **КЕЧА** Тошкент туризм касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида «Ошпазлар» кўрик-танлови ўтказилди.

### ЯКИНДА БЎЛИБ ЎТГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИГИЛИШИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2009 ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ҚАТОРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИ

### АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА ЯНАДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ АЛОҲИДА КЎРСАТИБ ЎТДИ.



Албатта, бу бежиз эмас. Иқтисодиётимиз асосини ташкил этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини эл-юрт фаровонлиги ортисида, бандлик муаммоси ечимида катта аҳамиятга эгадир. Шу боис ҳам Юртбошимиз ўз маърузаларида «Жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда», деб алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳақиқатан ҳам тадбиркорлик қаратилган катта эътибор кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик субъектлари сафи ортисида, уларнинг эркин фаолият юритиб ривожланишларида яққол кўринмоқда.

Пойтахтимиздаги «Дурадгор буомлари» масъулияти чекланган жамияти ҳам тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланишга интилаётган жамоалар сирасидандир. Асосан ички бозор талабларидан келиб чиқиб, шунинг баробарида ташқи бозорни ўрғаниш ҳам эътибор қаратиб иш юритаётган корхона тадбиркор-



Кичик бизнес

## МАҚСАД — ТАШҚИ БОЗОРГА ЧИҚИШ

лар билан жиҳозланган қўшма корхона очиш ниятимиз бор. Ана шунда ташқи бозорга чиқиш имкониятига эга бўлаемиз. Мақсулотларимиз рақобатбардорлиги ортати, четдан келтириладиган ҳудуд шундай товарлар билан бемалол рақобатлаша олади.

Айни кунларда 30 нафар малакали мутахассис, уста дурадгорлар меҳнат қилаётган корхонада 50 турдан зиёд мақсулот тайёрлаб берилмоқда. Пойтахтимиздаги қўллаб-қувватлаш қурилиш ташкилот ва фирмаларининг буюртмалари муваффақиятли уудаланмоқда. Мақсуд дурадгорлик мақсулотларини бунёдкорликда унумли қўллаётган «159-трест», «4-трест» акциядорлик жамиятлари доимий буюртмачилар сирасига қиради.

Бозор талаби асосида фаолият юритилаётган корхонада 30 турдаги эшикчи, 15 хил дераза ромлари тайёрланмоқда. Уларнинг бир неча тури ўтган йилги буюртмаларга кўра тайёрланди



Мақсад — ташқи бозорга чиқиш

### ЖАҲОНДА

- Франция миллий мажлиси аъзолари ҳуқуқнинг тақдирини қўллаб-қувватладилар ва Франциянинг НАТО ҳарбий тузилмасига қайта қўшилишини ёқлаб овоз бердилар.
- Европа Иттифоқи ҳаво бўшлиқлари устидан ягона Европа назорат тизимининг ташкил этилиши тўғрисида маълум қилди.
- Кеча коинотда Халқаро космик станция ва АКШнинг «Дискавери» шаттли муваффақиятли тарзда туташди.
- КХДР Шимолий Американинг озиқ-овқат мақсулотларидан иборат кўрсатмоқчи бўлган ёрдамини рад этди.
- Кеча Мадагаскарда бир гуруҳ ҳарбийлар томонидан давлат тўнтариши амалга оширилганидан сўнг мамлакатни бошқариётган президент номзоду йўналишда қочиб кетди. Мамлакат бошқаруви ҳарбийлар ва муҳолифатчи қучлар қўлига ўтди. Ҳарбий тўнтариш муносабати билан муҳолифат етакчиси А.Радзуэно ўзини расмий равишда мамлакатнинг янги президенти деб эълон қилди.
- Кеча Европанинг GOCE суний йўлдоши коинотта муваффақиятли парвоз қилди. У коинотдан туриб Ер қурраси билан боғлиқ бир неча муҳим йўналишдаги тадқиқотларни олиб боради.
- Покистоннинг Равалпинди шаҳрида террорчи камикадзе томонидан амалга оширилган қўпуровчилик ҳаракати оқибатида ўндан ортик киши ҳалок бўлди, 17 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.
- Греция ҳукумати сўнги ойларида қўп бор юзага келган оммавий тартибсизликлар ва безориликлар, турли кўнгилсиз воқеаларнинг олдини ўз вақтида олиш мақсадида полиция тизимида кенг миқёсда ислохотларни амалга оширишни бошлади.
- Миср пойтахти Кохирада қароқчиликка қарши кураш бўйича халқаро алоқа гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда 28 та давлат ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этиб, тадбирда асосий эътибор Сомали қирғоқларидаги қароқчилик ҳаракатига қаратилди ва уларга қарши кураш бўйича ўзаро фикр алмашилди.
- Либерия қишлоқ ҳўжалиги капалак қуртларининг оммавий равишда қўпайиб кетганидан жиддий зиён кўрмоқда. Мамлакат қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра мақсуд оғат икки ҳафта ичида бартараф этилмаса, мамлакатнинг 100 минглаб аҳолиси етарли озиқ-овқат заҳирасига эга бўлмай қолиши мумкин. Шу муносабат билан ҳозирда Либерияда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ШУ ЙИЛ 27 МАРТДА ЎТКАЗИШ МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз баҳарлаш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисидаги масалани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Улар орасида жумладан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти такомил-

лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонунлар бор. «Стандартиштириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»-ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»-ги, «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомига ўзгартишлар киритиш ҳақида»-ги ва бошқа бир қанча қонунлар ҳам кўриб чиқилади.

Шу билан бирга Сенатнинг наватдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йилда давлат бошқаруви органлари,

хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда Сенат ваколатига тааллуқли бошқа

масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Парламент юқори палатасининг Кенгашида Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Сенат Девонининг наватдаги ялпи мажлисида тайёргарлик тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажақ ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни ўрғаниш юзасидан марказда ва жойларда олиб борилаётган тайёргарлик ишларига оид ахборотлари кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор идора ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ, ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ, МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОFAЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-26 МАРТ КУНЛАРИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОГИДА ШАҲРИМИЗДАГИ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.**

Ярмаркада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 870 та корхона-ташкilotларнинг 12 мингга яқин умумий бўш иш жойлари таклиф қилинади. Биргина ободонлаштириш тизими ташкilotларида 2800 та иш ўринлари мавжуд.

Шунингдек, ярмаркада қуйидаги мутахассисликлар бўйича иш жойлари тавсия этилади:

- ҳайдовчи-668 та;
- шифокорлик ва ҳамширалик иши-490 та;
- муҳандис-400 та;
- электрмонтажчи-270 та;
- тикувчи-бичувчи-200 та;
- ўқитувчи-педагог-120 та;
- қурувчилар-115 та;
- чилангар, электргазпайвандчи-110 та;
- йигирувчи-100 та;
- механик-70 та;
- ҳисобчи-65 та;

Сизларни 2009 йил 25-26 март кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача ўтказиладиган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасига таклиф қиламиз.

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

Ушбу жараёнда кўп асрлик тарихга эга бўлиб, юртимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги энг муҳим бўгинлардан бири бўлган маҳалланинг аҳамиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Маҳалланинг ижтимоий мақоми, унинг фаолиятини тартибга солишда қонунийлик базаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш тажрибаси — мазкур масалалар ҳорижда катта қизиқиш уйғотиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги таниқли олим ва мутахассислар томонидан кенг ўрганилмоқда, оммавий ахборот воситаларида маҳалла тажрибасига бағишланган мақолалар эълон қилинмоқда.

Жумладан, яқинда «Фукуока-Ўзбекистон» уюшмасининг махсус нашрида «Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тақомиллашмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

«Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти «Фуқаролар-»

# МАҲАЛЛА — КЎП АСРЛИК ТАРИХГА ЭГА БЎЛГАН БЕҚИЁС ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ — ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БУ ТАМОЙИЛИ ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАНОҚ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИБ КЕЛИНМОҚДА.**

ариш жамоатчилик институти бўлган маҳалла азалдан мавжуд, дейилади мақолада. — Асрлар давомида ўзбек халқи маҳалла орқали жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш ва бирдамликни таъминлашнинг ўзига хос усулларини шакллантириб, миллий ўзлигини сақлаган ҳолда, халқнинг маънавий қадриятларини ҳимоя қилиб, бойитиб келмоқда.

Маҳалла «аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи» ижтимоий институти эканини таъкидлаётган экан, нашр Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти «Фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролик йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлов тўғрисида»ги қонунлар билан мувофиқлаштирилишига эътибор қаратади.

«Қабул қилинган қонунларга асосан, Ўзбекистонда 2008 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролик йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлов бўлиб ўтди, дейилади нашрда. — Бугунги кунда Ўзбекистонда 10124 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда, уларнинг 8535 таси маҳалла фуқаролар йи-

ғини бўлса, 101 таси шаҳар фуқаролик йиғинлари, 1333 таси қишлоқ фуқаролик ва 154 та овул фуқаролик йиғинларидир.

Уларнинг барчаси аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, маънавий-маърифий ишларни фаоллаштириш, оила фаровонлигини таъминлаш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ободонлаштириш ва бошқа шу каби ижтимоий жиҳатдан муҳим тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Маҳалланинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамияти хусусида гапириб, Токио университети доктори Масато Хиватари, жумладан, шундай

деди: «Маҳаллага маиший турмуш кечадиган муҳит сифатида қарайдиган бўлсак, уни Японияда мавжуд бўлган «мура» билан солиштириш мумкин. Бу тушунчани Япония қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ тадқиқотларда тез-тез учратиш мумкин. «Мура» тарихда нафақат оддий маъмурий механизм, балки ишлаб чиқариш ва маиший ижтимоий тизим ҳисобланган. Бундан ташқари, у ўзаро ички муносабатларни тартибга солиш вазифасини ўтайдиган мустақил жамоатчилик уюшмаси бўлган».

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳалла доимо давлат эътиборида бўлиб келганлигини таъкидлаб, олим маҳалла доирасида ўзаро ишонч руҳида асосланган яқин ижтимоий муносабатлар тизимининг шаклланишига муҳим эканига эътибор қаратди. Унинг фикрига кўра, бу — мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қиладиган ва тараққийд жараёнини кўллаб-қувватлайдиган муҳим омиллардан бири.

«Жаҳон» АА

## КСА-2: «СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ»

**САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ КСА-2 ДАВЛАТ ТЕЛЕКАНАЛИ ЎЗИНИНГ «ECONOMIC HORIZONS» ДЭБ НОМЛАНГАН КЎРСАТУВИНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАДИ. АЙТИШ ЖОИЗКИ, УШБУ ДАСТУР ФОРС КЎРФАЗИДА ЖОЙЛАШГАН АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ОРАСИДА АЙНИҚСА ОММАБОП.**

Эътиборлиси, шу пайтга қадар «Economic Horizons»да асосан АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи давлатлари ҳамда Австралия каби ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида ҳикоя қилинган. Ўзбекистон эса ривожланаётган давлатлар ҳамда МДХ мамлакатлари орасида ушбу нуфузли дастурнинг асосий мавзусига айланган биринчи мамлакат бўлди.

Юртимизга бағишланган кўрсатувда саудиялик таниқли иқтисодий шарҳловчи Аҳмад Салим ал-Тухайний, кўзга кўринган молиявий-иқтисодий таҳлилчи, доктор Абдулқодир ал-Ҳабибулла, шунингдек, мамлакатимизнинг Саудия Арабистонидаги элчиси А. Қодиров иштирок этди.

Бир соат давомида томошабинлар эътиборига икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг тарихи ва бугунги аҳволи, Ўзбекистон — Саудия алоқалари истиқболлари, турли даражада амалга оширилган ўзаро ташрифлар, савдо-иқтисодий алоқалар ривожини, сармоявий ҳамкорликка бағишланган қизиқарли маълумотлар ҳавола этилди. Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги иқтисодий ривожланиши яқунлари, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши туриш мақсадида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, жорий йилдаги иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари, шунингдек, 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрсатув давомида доктор Абдулқодир ал-Ҳабибулла Ўзбекистон — Саудия Арабистони муносабатларининг ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, саудиялик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим омилларидир. «Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг биз мамлакат ўз ҳаётининг барча жабҳаларида сезиларли юксалишга эришаётганини мамнуният билан кузатмоқдамиз, — деди эксперт. — Бунга, хусусан, тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қулай муҳит, хоржиқ инвестицияларни қабул қилишга тайёрлик яққол мисол бўлади. Саудия Арабистони подшоҳлиги Марказий Осиё мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратади. Ар-Риёд Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, энергетика ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор».

Тахлилчи, шунингдек, айна пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни подшоҳлик тадбиркор ва инвесторларида катта қизиқиш уйғотаётганини қайд этди. «Сиёсий барқарорлик, ўзбекистонлик ҳамкорларнинг ҳаётихоҳлиги, хоржиқ тадбиркорлар учун яратилган қулай имкониятлар — саудиялик бизнесменларни Ўзбекистонга торабора кўпроқ жалб этаётган омиллардир», — деди тахлилчи.

Бундан ташқари, доктор А. Ҳабибулланинг фикрича, Ўзбекистоннинг жўғрофи ва геосиёсий жойлашуви мамлакатимизнинг дунё бозорига маҳсулотлар ва энергетик ресурслар етказиб бериш йўлидаги муҳим марказларидан бирига айланиши учун имконият яратяди.

Кўрсатув доирасида «Узинфонвест» агентлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари ҳамда мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити ҳақида ҳикоя қилувчи «Invest to Uzbekistan» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

«Жаҳон» АА, Ар-Риёд

## ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР ФЕСТИВАЛИ ЯҚУНЛАНДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МИЛЛИЙ САҲЪАТ МАРКАЗИДА «БОЛАЖОНЛАР-ШИРИНТОЙЛАР — 2009» БОЛАЛАР МОДАСИ ФЕСТИВАЛИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.**

Юртимизда ёш авлод келажаги ва истиқболлари ҳақида гамхўрлик кўрсатиш, баъдий дидини шакллантириш, маънавияти ва тафаккурини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жиҳатлар болалар модасини янада ривожлантириш, жумладан, юртимиз табиий иклими, ўғил-қизларнинг ёши, психологияси, дунёқарашига мос бежирим, қулай ва сифатли кийим-кечаклар яратишда ҳам ўз ифодасини топишмоқда.

«Болажонлар-ширинтойлар — 2009» Болалар модаси фестивалида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим даргоҳларида билим олаётган талабалар билан биргаликда ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият олиб бораётган дизайнер-модельерларнинг эллика яқин тўпламидан жой олган уч юз етмишдан зиёд янги либос намойиш этилди. Тадбир доирасида кўргазмалар, болалар суратлари ва моделлари танловлари, болалар либосларини яратиш ва моделлаштиришга бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Фестивалда «Эски шаҳар» Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази аъзолари Раъно Зоҳидова, Турғунбой Олимова, дизайнер Денис Томилан, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари Фотима ва Зухра Мухамедова, Надежда Бушьяк, Марина Дю, Наргиза Отажонова, Барно Рихсиева, Алена Кан, «Муруватекс» ишлаб чиқариш корхонаси дизайнери Дилдора Абдуллаева, «Парадиз» мода мактаби вакили Александра Чичинова, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Рухшона Мўминова, «Арт бюро Колибри» мода мактаби вакиллари Мохинур Юсупова, Анна Янковна турли номинацияларда ғолибликни қўлга киритди.

(ЎЗА)

## БУГУНГИ КУНДА АҲОЛИНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛИШДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР. САБАБИ, ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ ХУСУСИЙ СЕКТОРГА НИСБАТАН БУ БОРАДА КАТТА ТАЖРИБА ТЎПЛАГАН.

### Транспорт ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Сергели туманидаги «12-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти ҳам аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиб келаётган корхоналардан бири ҳисобланади. Айна пайтда корхона томонидан кунига 9 та йўналиш бўйича турли рўсумдаги 102 та автобус қатновий мунтазам йўлга қўйилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу эса ўз навбатида ойига ушбу автокорхона томонидан қарийб 3,5 миллион нафар фуқаронинг узоғини яқин қилиш билан бир қаторда ойлик нақд пул топшириш режасини ортиги билан уйдлаш имкониятини бермоқда.

— Мана шу ишларнинг самараси натижасида биргина ўтган февраль ойида нақд пул топшириш режаси 102 фоизга уйддаланди, — дейди «12-автобус саройи» ОАЖ бошқаруви раиси Қудратилла Зикиров. — Бу автокорхона имкониятларини янада кенгроқ ривожлантириш имкониятини бермоқда. Шунингдек, ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга пухта замин яратмоқда.

Хусусан, ўтган вақт мобайнида ўндан ортиқ хайдовчиларнинг соғлиқларини тиклаб олишлари учун сихаттоҳларга бепул йўланмалар берилиб, моддий ёрдам кўрсатилди.

Ушбу хайрли ишлар қатори корхонада маданий ҳордиқ чиқариш, спорт ишларини таъкил этиш, тарихий шаҳарларга сайёҳатлар уюштиришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, «Ёшлар йили» давлат дастурини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида 32 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Корхона фаолияти билан яқиндан танишиб қайтарганимиз, қани эди шаҳримиздаги бошқа автокорхоналарда ҳам ана шундай режалар ишлар йўлга қўйилса эди деган ҳаёлга бордик.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ) СУРАТЛАРДА: «12-автокорхона» очик акциядорлик жамияти фаолиятдан лавҳалар.



## Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун

### ХИМОЯСИДА

## АМАЛИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Савдо дўконидан харид қилган маҳсулотнинг ўзининг сифат қафолатини оқлай олмади. Иккиланиброқ дўконга қайтиб бордингиз.

— Сизни биринчи бор қўриб туришим, — деди сотувчи сизнинг даъвоингизни эшитгач. — Боягина олдингиздан кетдими-ку, — деддингиз хунобингиз ошиб. — Пулимни қайтариб беринг! Олинг манави матоҳингизни... — Йў!

Тушунлиқка тушишга, руҳиятингизни синктиришга ҳождат йўқ. Ҳуқуқларингизни қафолатлайдиган, сифатсиз маҳсулотлар савдо-сотингга чек қўядиган амалдаги қонунчилик бу борада сизга яқиндан кўмак беради. Қуйида эса бу борада амалга оширилаётган ижобий ишлар билан яқиндан танишасиз.

Ҳамза тумани Боткина кўчаси, 7-уй, 32-хонадонда истиқомат қилувчи А.Мамажонов «Hisense» русумидаги қафолат мuddати тугамаган совутгинчи таъмирлаш учун устахона маъсулларига 340000 сўм тўлаган. Аммо таъмирлаш ишлари сифатсиз амалга оширилган. Ҳозирда мазкур маҳсулот бепул сифатли таъмирлаб берилган.

Мирзо Улўбек тумани Олтинтепа кўчаси 18-уйда яшовчи Р.Абдуҷалилов Навоий ярмаркасидаги «Электроника» савдо дўконидан «Fapasonik» русумидаги видеокамерани 1484000 сўмга харид қилади. Бироқ видеокамера истеъмолчи томонидан ҳаракатга келтириб қўрилганида унинг носозлиги аниқланган. Тегишли ташкилот аралашуви билан мазкур маҳсулот бепул таъмирлаб берилган.

Юнусобод тумани 2-даха Исломобод кўчаси 2\*-уйда истиқомат қилувчи К.Исаев 4500000 сўмлик маблағ эвазига «Аква» эшик, ром, дераза буюмлари тайёрлаб бериш учун буюртма беради. Аммо буюртмани қабул қилиб олувчи К.Пак ўз ишига маъсулиятсизлик билан қараб, эшик, ром, деразаларни сифатсиз тайёрлаб, ўрнатади. Ҳозирда истеъмолчи талаби тўлиқ қондирилиб, маҳсулотлар сифатли таъмирланган.

Сергели тумани 7-даха, 52-уй, 12-хонадонда яшовчи А.Зайниддинова Чилонзор буюм бозорига жойлашган «Абу Саҳий» савдо растаси 24-дўкондан 250000 сўмлик «LG» русумидаги телевизор харид қилган. Бироқ мазкур телевизор техник носозлиги боис, сарф-

ланган маблағ истеъмолчи фойдасига ундириб берилди.

М.Улўбек тумани Қодирий кўчаси, 13-уй, 9-хонадонда истиқомат қилувчи С.Володина Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор А.Абдулаҳатовга тегишли «Эркин ҳожи ота» савдо дўконидан «LG» русумидаги музлатгични 565000 сўмга сотиб олади. Лекин музлатгич ўзининг сифат қафолатини оқлай олмагани боис, истеъмолчига тегишли маблағ унинг фойдасига ҳал этилди.

Юнусобод тумани 19-даха, 27-уй, 31-хонадонда яшовчи Д.Остроухов худудий бирлашмага ариза билан мурожаат қилган. Унда айтилишича, туман электр тармоқлари корхонаси ходими истеъмолчи хонадонидagi электр ҳисоблагични текшириш чоғида мосламадаги муҳри бузади, аммо қайта тикламайди. Истеъмолчининг бу борадаги мурожаатлари ҳам қаноатсиз қолдирилди. Ҳозирда мазкур мослама қайта муҳрланган.

Яккасарой тумани Юнус Ражабий кўчаси 70-уй, 27-хонадонда истиқомат қилувчи М.Мирсоатовга «Лавандерия» кимёвий тозалаш корхонасига 2500000 сўмлик киши кийим (шуба)ни тозалаш учун топширади. Аммо корхона маъсуллари миждоз талабини сифатсиз равишда қондиради. Шу боис истеъмолчи фойдасига 1000000 сўмлик моддий зарар ундириб берилди.

Чилонзор тумани Дилхўш кўчаси, 37-уй, 12-хонадонда яшовчи И.Ғаффарова Навоий ярмаркасидаги «LG» савдо дўконидан 1530000 сўмлик «LG» русумли телевизор харид қилган. Ҳозирда сифатсиз чиққан телевизор янгилисига алмаштирилган.

Қадрли шаҳримиз аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари! **Агар сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам сифат қафолати бузилган бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.** Тошкент 100185, Бунёдкор шоҳқўчаси, 23-а-уй. Телефонлар: (998 712) 276-90-46, факс: 276-89-35. Email: bozfmuz@gmail.com. Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш худудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида **Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади.**

**МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШГАЧ, БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАН КАБИ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРДА ҲАМ КАТТА ИСЛОҲОТЛАР ЮЗ БЕРДИ. БОЗОР МУНОСАБАТИГА ЎТИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТИМИЗНИНГ 5 ТА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН АҲОЛИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. БУНДА ИНСОН МАМФААТЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСАТДАН УСТУН ЭКАНЛИГИ НАМОЁН БЎЛДИ. АЙНИҚСА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ, УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ҲУҚУМАТИМИЗ ДИҚҚАТ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ.**

## АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Хотин-қизлар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили» ва 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги айнан аёллар ва ёшларга бўлган эътибор ва гамхўрликнинг намунасиридир. Қолаверса, Асосий қонунимизнинг 65-моддасида ҳам «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб таъкидланади.

Дарҳақиқат, барчамиз учун муқаддас бўлган оналарнинг кадр-қиммати ҳар нарсадан улғудир. Шу боис барча қонунларда ва шу қатори Меҳнат қонунинда ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор моддалар белгиланган. Ҳозирда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар янада тақомиллаштириб бормоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳофазасига оид қонунларимизда, Меҳнат кодексида оғир ишларда, меҳнат шартини зарарли бўлган юмушларда аёллар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган.

Аёллар тунги ишларда меҳнат қилишлари мумкин эмас, айрим ҳолларда зарурият бўлганлиги учун руҳсат берилади. Фарзанди икки ёшдан ўн тўрт ёшга бўлган аёллар (ноғирон бошқача) ўн олти ёшгача розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиниши ёки меҳнат сафарларида жўрилуши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 233,234-моддаларида аёллар бола туғилишидан олдин 70 календарь кун ва бола туғилгандан кейин 56 календарь кундан иборат ҳомилдорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра унга фарзанди икки ёшга

тўлгунга қадар болани парварилаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланиши қайд этилган. Онанинг хоҳишига кўра болани тарбиялаш учун 3 ёшга тўлгунга қадар таътил берилиши ҳақида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларга ҳам қанчадан-қанча имтиёزلар яратиб берилган. Ёшлар меҳнатини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 225, 226-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Унда ўсмирларни 16 ёшдан ишга қабул қилиш тақиқланган. Алоҳида ҳолларда қасаба уюшмаси розилиги билан 15 ёшга тўлган ёшларга меҳнат ҳуқуқи берилган ва 18 ёшга тўлган ўсмирнинг меҳнати муҳофаза қилинади. Уларнинг оғир ишларда, жумладан, ер ости ишларида, соғлиқларига зарар етказиладиган ишларда меҳнат қилишлари тақиқланади. Қолаверса, ёшларнинг оғир юк кўтариши ва ташишлари мумкин эмаслиги қонулаштирилган. 16 ёшдан 18 ёшга бўлган ёшларнинг ҳафтасига 36 соат, 15 ёшдан 16 ёшга бўлганлар ҳафтасига 24 соат ишлашлари қонунда белгиланган. Ҳуқуқлар меҳнатидан ёзги таътилларида тунги ишларда, байрам кунлари, дам олиш кунлари, ишдан ташқари иш соатларида фойдаланиш мумкин эмас. Уларга меҳнат таътили 30 календарь кун деб белгиланган. Шунингдек, қонунларимизда улар меҳнат муҳофазасига, меҳнат шартини қулайлигига ҳам катта эътибор берилган. Бу эса юртимизда оналик ва болаликнинг ҳар томонлама улуғланишидан дарак беради.

**Зулфия МИРҲАМИДОВА,** Учтепа тумани ФХДЭ бўлими мудири

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК



## Шифо масканларида

### ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2003 йилда бошланган ислохотларнинг иккинчи босқичида шаҳримизда Республика ихтисослаштирилган маркаларини барпо этиш назарда тутилган бўлиб, шулардан бири Кардиология марказидир. Утган беш йил вақт ичида мазкур марказнинг моддий-техника базиси мустаҳкамланиб, замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозланди.

— Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Марказий Осиёда дастлабки 8 та ихтисослаштирилган бўлинмага эга клиникалардан саналиб, бу ерда 10 нафар фан доктори ва 30 нафардан зиёд фан номзодлари ўз салоҳиятларини намоён этиб, халқимиз саломатлигини сақлашда шифокорлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда мазкур марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, профессор Шерат Маъмуров. — Марказда стационар шaroитида йилга етти мингга яқин бемор ўз дардига даво топса, бу ердаги мавжуд маблаҳат поликлиникасида эса 30 мингдан зиёд беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатилади. Шифо масканида соғлиқни сақлаш тизимига тааллуқли бўлган Президентимиз Фармонлари ва Қарорлари, ҳукуматимиз Қарорлари ижроси ҳаётга кенг татбиқ этиб келинмоқда. Бу бордада юрак-томир касалликларининг асосийларидан бўлган артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, қон айланишининг етishмочилиги, юрак аритмиялари, бу касалликларнинг асабий асоратларини ташхислаш ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, нуфузли хорижий илмий марказлар билан алоқа ўрнатиш, кадрларни қайта тайёрлаш каби бажарилган ишлар шулар жумласидандир. Айтиш жоизки, Россия Федерацияси Тиббиёт Фанлари академиясининг Сибирь филиалига қарашли Томскдаги Кардиология илмий-тектириш институти билан тузилган битим айниқса самара бер



**МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА АҲОЛИГА КўРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ ДАРАЖАСИНИ ҲАҚОН АНДОЗАЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИГАН ҲОЛДА ТАШКИЛ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ. ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНЛАРИ, ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКАЛАР БУНЁД ЭТИЛИБ, ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАСИДА ҚИСКА МУДДАТ ИЧИДА АҲОЛИГА БЕПУЛ ТАРЗДА ШОШИЛИНЧ ВА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КўРСАТУВЧИ ТИЗИМ ТАШКИЛ ҚИЛИНИБ, ТЕГИШЛИ КАДРЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА.**

раётир. Ушбу шартномага асосан Ўзбекистон Кардиология марказининг бир гуруҳ илмий ходимлари 2007 йилдан бошлаб Томскка қатнаб, замонавий кардиологиянинг энг юқори технологияларидан бири бўлган юрак аритмияларини кўкрак қафасини очмасдан даволаш усулларини ўрганишди ва 22 май кuni Марказий Осиёда биринчи бўлиб амалда қўллашди. Масаланинг моҳияти шундаки, юрак аритмиялари, яъни юракнинг нотекис ўриши билан боғлиқ касалликлар ҳаётга энг кўп ҳавф соладиган тоифага қиради. Шуну ҳам қайд этиш керакки, юрак аритмияларининг кўп турлари дорилар таъсирида шифо топади, лекин бутунлай йўқолиб кетмайди. Шунинг учун ҳам уларни жарроҳлик йўли билан даволашга эҳтиёж жуда катта. Аммо яқин-яқингача бундай операцияларнинг кўпчилиги кўкрак қафасини очиб орақли бажарилган ва талай асоратларга олиб келган, шу боис бу жараён оммавий тус олманган. Кардиологлар, кардиохирурглар, турли хил орақли (техника, физика ва бошқа) фанлар соҳибларининг саъй-ҳаракатлари туфайли янги йўналиш — юрак электрофизиологияси шаклланиб, юрак аритмияларини кўкрак қафасини очмасдан «консыс операция» йўли билан даволаш жорий қилинган. Бундай операциялар асосан тараққиёт этган давлатлардагина амалга оширилган, шунинг учун ҳам унга бўлган эҳтиёжнинг фақат 10 фоизигина қониқтириляпти. — Марказимизда бундай услубларнинг ичиде кенг қўлланилиши талаб этадиган ва айнан Тошкент шаҳрида илк бор амалга оширилган «абляция» услубидан кенг фойдаланилмоқда, — дейди марказ директорининг Маънавий тарғибот ишлари бўйича ўринбосари, кардиореабриль хасталиқлар бўлими раҳбари, профессор Озод Хўжаев. — Бу услубни амалга ошириш учун ўта юқори тезоҳил талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар ва операция ўтка-



**Соч инсонга ҳусн, кўркамлик бағишлайди албатта. Сочлар ҳам алоҳида парваршига муҳтож. Баъзилар сочлари тўкилаётганини ва эрта оқариётганидан шикоят қилишади. Хўш, бунинг сабаблари нимада?**

## Тана парварши Соч тўкилиши ва эрта оқариши сабаблари

Одатда одам бошида тахминан юз мингдан 140 минг донгача соч толаси мавжуд бўлиб, кунига қирқтача соч толаси тўкилиб ва яна қайтадан ўсар экан. Инсон қирқ ёшдан ошгандан кейин бош териси ва туқ ҳолатларида ҳам ўзгартиш юз бериб, соч тўкилиши ҳамда оқаришига ўхшаш ҳоллар кўзга ташланади. Бу табиий ҳол. Бироқ баъзи кишиларда бундай ҳолатларнинг ёшлигиданоқ пайдо бўлиши ҳуснига путур етказиши билан бирга руҳиятга ҳам салбий таъсир қилади. Сочнинг тўкилиши ва оқаришининг сабаблари кўп бўлиб, қуйидаги уч сабабини улуг донишманд табибларимиз энг асосий омиллар қаторида қайд этганлар: хил-лар ўзгариши, сиртки ва руҳий омиллар. Хилларнинг гайритабиий ўзгариши оқибатида соч тўкилиши. Бу асосан баданга бағлам, сафиро ёки савдо хилтининг голибчилиги туфайли юз беради. Сиртки омиллар таъсири натижасида соч тўкилиши. Бундай ҳолларда сочининг тозаллигига риоя қилмаслик ва соч тарашдаги эҳтиётсизлик натижасида бош терисидаги модда алмашинуви жараёнининг номутаносиблиги оқибатида соч тўкилиши юз беради. Сочнинг тез-тез ва кучли ишқорини совун ҳамда шампунлар билан ювилиши ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Чунки совун ва шампун бош терисидаги оксил, мойларни кўп йўқотиб, туқ халталари хизматини бузиб, қуритиб юборади. Имкон қадар кимёвий бўёқ ва соч мойларини ишлатмаслик, ишлатиш зарурати туғилганда табиий воситалардан фойдаланиш лозим. Руҳий омиллар ва бошқа турли касалликлар оқибатида ҳам соч тўкилиши мумкин. Каттик қарчаш, руҳий зарбага учраш, давомли гам-андўз табиий қувватни ожизлаштириб, бош терисининг тутиб туриш хусусиятини пасайтиради. Бу хилдаги соч тўкилишини даволашда ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни мувофиқлаштириш ҳамда баданни чиққитиришга аҳамият бериш, дам олишни тартибга солиш керак. Юрак ва талок заифлиги, камқонлиқ, сил касаллиги ва ҳомиладорлик вақтида ҳам соч тўкилиши кузатилади.

Сочнинг тез оқариб кетишига сабаб нима? Ёшлик пайтида сочининг оқариб кетиши қон хилтига боғлиқ бўлиб, бу қон шираси қуқоқлиги ва ҳароратида ўзгариш содир бўлганидан келиб чиқади. Бу хил ўзгариш асосан қонга табиий хилларнинг таъсирида юзатга келади. Соч оқаришини тўхтатиш мақсадида гайритабиий сафронни сўриб чиқариш учун ушбу дорилардан қашқоб тайёрланади: кишимш, айнулло, қосин уруғи, бинафша, чилонжиддан тайёрланган дори (қашқоб) соч оқаришининг олдини олади. Сочларнинг қуруқ бўлиса: қирғичдан ўтказилган пиёз, ўсимлик ёғи, туҳум сариги, асал ( хар бири бир чой қошиқ миқдориде) аралаштирилиб, ҳосил бўлган қоришма бошга суртилиб, ўраб қўйилади. Бир соатдан сўнг илпқ сувда ювилади. Агар сочининг ёғли бўлиса: икки ой мобайнида 5-7 кунда бир марта бош ювилиб, эман пўстлогидан тайёрланган дахлама билан чайилса, сочининг ёғлилиги анча камайди. Бунинг учун 3 ош қошиқ эман пўстлогини бир литр сувда 15 дақиқа қайнатиш зарур. Сўзгичдан ўтказилган қайнатма билан сочини чайиш мумкин. Сочинизга эътиборли бўлиб, парварши қилсангиз, ҳуснингизга янада ҳусн қўйиладиган албатта.

Яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратамиз — бу касалликка учраган беморларнинг умуман парҳез қилмасликлари, унинг ўрнига ёғли, калорияли кучли овқатларни истеъмол қилишлари ва аксарият ҳолларда дуч келамиз. Нега бундай қилмаслик, деган саволимизга парҳез тутсам холдан тояман, дейишади. Бу гаплардан кейин ҳам кўпгина ҳолларда бемор овқатланиш тартибига тўлиқ амал қилмайди. Овқат устига овқат, шу билан бирга уларни меъридан ортиқ тановул қилиш аста-секин жигар тўқималарини ёғ босиб, ўт пуфагида майда тошлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўт қопчаси сабабли жигар ўртасида кучсизлик пайдо бўлса сарик касаллигидеги каби юз рангида ўзгариш юзатга келади. Баъзан шундай ҳолатларда ўт қопчаси билан инаклар ўртасида тикилма ҳосил бўлса ахлат оқ рангиде бўлади. Ўт қопчаси ҳақида Ибн Сино китобларида ёритилган. Ушбу аъённинг яллиғлигини ўнг биқинда доимий орғик пайдо бўлишига, оғизга аччиқ нарсга келишига, ҳолсизлик, иштаҳанин йўқолиши, қориннинг дам бўлишига олиб келади. Бундан ташқари ҳомиладорлик даврида кўп овқат ейиш ўт қопчасида тошларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Хозирги кунда ушбу хасталикка ташхис қўйишда замонавий усуллар қўланилмоқда. Республикаимизнинг ҳар бир туман поликлиникаларида,

Хозирги кунда ушбу хасталикка ташхис қўйишда замонавий усуллар қўланилмоқда. Республикаимизнинг ҳар бир туман поликлиникаларида,

## БАҲОРИЙ ҚУВВАТБАХШ ТАОМЛАР

Баҳорий кўкатлардан тайёрланадиган қувватбахш таомлар ўзининг фақат таниқлиги ва татмилиги билан ажралиб турмасдан, балки мазкур паллада шифобахш омилларга нисбатан қақраб турган аъзоларга эмлик қилади.

**ЯЛПИЗЛИ КўНГИЛОЧАР ҚАЙЛА**  
Покиза ерлардан терилган сархил яллиғини майдалаб, ундан 3 ош қошиқ миқдориде 2 ош қошиқ шаккар, 1 ош қошиқ сирка, 3-4 ош қошиғида сув қўшилиб, чамаси 2 соат муддатга қайнатилади. Ҳосил бўлган қайла гўшти ҳамда балиқли таомларга қўшилиб дастурхонга тортилади. Ушбу ёғлиқ одам иштаҳасига барақа беради, қувватбахш таъсир кўрсатади, кўнгил озиғига хотима беради, юракнинг ҳаприқшига йўл қўймади.

**КўЗИҚУЛОҚЛИ ТАОМ**  
Майда тўғралган пиёз ўсимлик мойида доғланади-да, унга ун қўшиб сув билан суялтирилади. Сўнгра кўзиқулоқ (шоувул)га қайноқ сув билан ишлов берилиб, майдаланган ҳолда қўйилади. Кейин енгил аланга устида қайнатилади, таъбага қараб туз солинади, таом етилиши арафасида лимон шарбати қўйилади. Тайёр бўлган маҳсулотнинг устига ошқуқлар петрушка ва шивит сепадилади. Таомнома: 500 гр кўзиқулоқ, 4 ош қошиқ ўсимлик мойи,

задиган маҳсул хона бўлиши зарур. Телетасвир олиш мосламаларига эга бўлган «РТС-612М» рентген аппарати ва ЭЛКАРТ П комплекси шулар жумласидандир. «Абляция» операцияси Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, профессор Р.Қурбановнинг маслаҳати ва назорати остида Ўзбекистоннинг 5 нафар фуқаросида ўтказилди. Мазкур операцияда Россия Федерацияси Тиббиёт Фанлари академиясининг Сибирь филиалига қарашли Томскдаги Кардиология илмий-тектириш институтининг «Юрак ритми бузилишларини хирургик даволаш ва электрокардиоимуляция бўлими» раҳбари, профессор С.Попов, тиббиёт фанлари номзоди, марказнинг катта илмий ходими Б.Жалолов ва кичик илмий ходим О.Салаев қатнашдилар. Сўнгра 2008 йилнинг июль-декабрь ойларида, 2009 йилнинг февраль ойида Ўзбекистоннинг ушбу мутахассислар гуруҳи Санкт-Петербург кардиология маркази профессори Р.Татарский раҳбарлигида яна бир неча операцияларни муваффақиятли ўтказишди. Ушбу қўли туқ инсонлар туфайли республикамизда катта жараён бошланди. Эндиликда хорижа чиқиб катта маблағ эвазига даволанадиган касалликлар рўйҳати янада камайди дегани бўлди. — Шуну алоҳида таъкидлаш керакки, инсон ҳаётига ҳавф солувчи аритмияларнинг кўпчилиги артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, жумладан миокарднинг ўткир инфаркти туфайли юзатга чиқади. Юрак етишмовчилиги ҳам кўп ҳолларда аритмиялар билан бирга кечеди. Шуларнинг аниқ тағига етиш, вақтида ташхислаш, аритмия ва бошқа асоратларнинг олдини олиш бўйича ҳам айта арзийдиган илмий изланишлар республикамизда кенг қўламади бўрилмоқда. Хусусан, артериал гипертония касаллиги аҳолининг 25 фоизиде, юрак ишемик касаллиги 11 фоизиде, миокарднинг ўткир инфаркти эса бир фоизиде учраши аниқланган. Бугунги кунда артериал гипертониянинг даволашга мойиллик билдирганлар сони 8 фоиздан 15-16 фоизга кўтарилди. Артериал гипертониянинг миллимизга хос бўлган генетик томонлари чуқур ўрганилмоқда, унинг асоратлари айниқса асаб тизимига берадиган асоратларнинг олдини олиш ҳамда даволаш бўйича кўпгина ютуқлар қўлга киритилди.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази фаолиятидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

## Мутахассис огоҳлантиради ЎТ ПУФАГИНИ АСРАНГ

ХОЗИРГИ КУНДА БУ КАСАЛЛИК АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЖУДА КўП УЧРАМОҚДА. ҲАҚОН СТАТИСТИКАСИ БўЙИЧА АҲОЛИНИНГ 6-10 ФОИЗИ ЎТ ПУФАГИ ВА ЖИГАР КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАНИ МАЪЛУМ. КўПИНЧА УШБУ КАСАЛЛИК АЁЛЛАРДА ЭРКАКЛАРГА ҚАРАГАНДА КўП УЧРАЙДИ.  
Қишлоқларда юқори малакали шифокорлар фаол меҳнат қилишмоқда. Дорихоналарда бу касалликка қарши ишлатиладиган дори воситалари анчагина: булар қарсил, урсосан, уролесан, урсо фальк, эссел форте ва бошқалардир. Лекин шуну айтиб ўтиш керакки, бу дори-дармонларни шифокор таъсири билан қабул қилиш керак. Даволаш муддатини шифокор терапевт, гастроэнтеролог белгилаб беради. Шунингдек қуйидагича халқ табиобати усуллари мавжуд:  
1.Тарвузи еб бўлганингиздан кейин пўстлогини ташлаб юборманг. Унинг шифобахш хислати ўт қопчасининг яллиғлигини — холециститга ёрдам беради. Уни қуритиб қўйинг.  
Майдаланган пўстлогидан 2 ош қошиқ олиб 0,5 литр қайноқ сувга солиб дамлаб кўйсиз ва 2 соатдан кейин докадан ўтказиб оламиз. Бир пилладан овқат тановул қилишдан ярим соат олдин кунига 3 марта ичилади. Даволаш муддати — 1 ой.  
2.Бир чой қошиқ майдаланган гири (етмак) олиб 1 стакан қайноқ сувга солиб 20 дақиқа дамлаб қўйсиз, кейин докадан сузиб оласиз. Ярим пилладан ушбу суюқликни овқатдан 30 дақиқа олдин кунига 4 маҳал истеъмол қилинади.  
3.Мақкажўҳорининг полугини олиб майдалайсиз, фақат уннинг ранги қўқ, сариқ эмас, балки тўқ қизил бўлиши керак. Ундан 1 ош қошиқда олиб 1 стакан қайноқ турган сувга солиб дамлаб қўйсиз. Бир соат ўтгандан кейин ярим пилладан 3 маҳал ичилади.  
Юқорида келтирилган рецептлар халқ табиобати усулларидан олинган бўлиб, улар орғикни, ўт пуфағидеги яллиғлигини, ноқулайлиқларни бартараф қилади.  
Тоҳир ИБРАГИМОВ, олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## «Наврўз — 2009» БОҒЛАРДА БАҲОР НАФАСИ

ЮРТМИЗИНИНГ ШАҲАРУ ҚИШЛОҚЛАРИДА КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖИДА. БАҲОР БОҒОНЛАРИМИЗ УЧУН ҲАМ МУҲИМ ПАЛЛА.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида, мувофиқ эски боғларни қайта тиклаш, узумзорларни кенгайтириш, янги боғ-роғлар барпо этиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда қарийб уч минг гектар майдонда янги боғ ва узумзор яратилади. Ҳозиргача йигирма минг гектар майдондаги мезозор ва тоқзорда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, сал кам икки миллион дон мевали дарахт ҳамда узум қўчаси экилди. Йўл четлари, дала атрофларида эса икки миллион дон мевали ва манзарали дарахт қўчаларни ўтказилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига қарашли «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясида 16 турдаги 3,5 миллион тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт, тоқ ҳамда гул қўчалари экиш учун тайёрлаб қўйилди.

Корпорация таркибиде 18 қўчат етиштириш ҳўжалиги бўлиб, улар ҳар бири вилоятнинг ўзига хос иқлим шароитига мос ниҳолларни етказиб бermoқда. Бу ерда яратилаётган нав ва кўпайтирилаётган дарахт қўчалари юртимиз иқлим шароитига мослиги, мевасининг мазалилиги ҳамда серҳосиллиги билан ажралиб туради.

Диёримиз ўзининг боғлари, ширин-шакар мевалари билан ҳам доврўз қозонган. Эзгу ниётилар билан экилаётган ҳар бир қўчат боғ-роғларимизнинг янада кенгайишига, бозорларимизнинг тўқинлиги ва мамлакатимиз иқти-одий салоҳиятининг юксалишига хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА муҳбири

## ҲАРБИЙ ҚИСМДА ҲАШАР

НАВРўЗ БАЙРАМИГА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТИЗИМЛАРИДА ҲАМ ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КўРИЛМОҚДА. БАЙРАМ ОЛДИДАН ЎТКАЗИЛГАН УМУМХАЛҚ ҲАЙРИ ҲАШАРДА БАРЧА ҲАРБИЙ ҚИСМ ВА БўЛИНМАЛАРДА КЕНГ ҚўЛАМИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

— Ҳашар кунлари ҳарбий қисмимиз ҳудудига эллиқ тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт, қўплаб гул қўчалари экилди, — дейди пойтахтимизда жойлашган ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, подполковник Авазбек Қорабоев. — Ариқлар тозаланди, дарахтлар оқланди, йўлак ва биноларимиз тартибга келтирилди.

Байрам кунлари қисмимизда сумалак тайёрланади. Турли спорт ўйинлари бўйича ҳарбий қисм биринчилигини ўтказамиз. Истеъфодаги ҳарбийлар ҳолидан хабар олинчи, уларга соғва-саломлар улашилади. Бундай маданий-маърифий тадбирлар аскар ва офицерлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳурматни мустаҳкамлаш билан бирга, ёшларни Ватанга муҳаббат ва сарфокат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Наврўз умуумхалқ байрамининг уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган бундай тадбирлар Қуролли Қўчаларимизнинг барча ҳарбий қисм ва қўшинлари, муассасаларида давом этмоқда.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири

## НАРГИЗА — ТАНЛОВ ГОЛИБИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА КОЛЛЕЖИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «НАВРўЗ ВА ҚАДРИЯТЛАР» НОМЛИ КўРИК-ТАНЛОВНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ БўЛИБ ЎТДИ.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Меҳр ва мурувват» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда шаҳардаги ўттиздан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида голиб чиққан ўғил-қизлар қатнашди. Улар Наврўз байрами тарихи, миллий қадриятларимизга оид савол-жавоблар, қўшиқ, шеър ҳамда рақс бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар ўқувчи ёшларни миллий қадрият ва аъналаримизни ўзида мужассам этган Наврўз моҳиятини чуқур ўрганиш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама комил инсон этиб воёга етказиш, она Ватанга ҳурмат, боқий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тошкент банк коллежи ўқувчиси Нарғиза Отақулова танлов голиби бўлди ва мамлакат бошқичига йўлланма олди.

Гўзал САТТОРОВА, ЎЗА муҳбири

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ

ХИКМАТЛАР

ЗАРДУШТ ПАНДНОМАЛАРИ

Дано ўз ақлу фаросати билан нодон қалбини ёритмоғи лозим.

Дано ўзгаларни ўз билимидан бахраманд этмоғи зарур.

Эй мардум! Шундай киши гапига кулоқ тутгинким, у донишманд ва ростлик тарафдори бўлсин!

Кексалар гапига кулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз ажратиб олинг.

Жаҳонга ҳақорат кўзи билан қарайдиган кишилар пок ниятликдан йироқдирлар.

Пок ният кишилар ростлик ва дўстлик тарафдорларидирлар.

Халқи пок, юрт ҳамиша тараққиёт ва юксалишда бўлади.

Кишилар яхши хулқ билангина камолотга эришадилар.

Ҳар бир киши андиша, сўз ва амалда муқаддас ақлга суянмоғи лозим.

Ақли расо киши бахтли ва фаровон яшайди.

Ватанинг тутуни ҳам шириндир.

Чорва молларни яхши парвариш қилинг! Уларни беҳуда озор ва ўлимдан асранг.

Адашганларни тўғри йўлга ҳидоят қилганларнигина яхши одам дейиш мумкин.

Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўътабар одатдир.

Рост сўз сендан қоладиган қутлуг ёдгорликдир.

Қаерда икки инсон бир-бирини қўлласса, ўша ерда иш юришади.

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ таржималари

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги ташкилотларига ишчилар қабул қилинади.

Ўртача иш ҳақи 130-150 минг сўм.

Манзил: Амир Темури шохкўчаси, 11 уй, тел.: 233-52-30, 233-52-64

Тошкент Банк коллежи жамоаси ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Даврон Эшмуродович Норбековга наоиси Хадича ая НОРБЕКОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чилонзор туманидаги «Бирдамлик коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати жамоаси МЧЖ «Райхон-94» дорихонаси мудир Мурод Болтаевич ИСАМУХАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.



Ўлкамизда Наврўз нафаси

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

БАҲОРНИНГ УШБУ ФАРАХБАХШ КУНЛАРИДА ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА НАВРЎЗИ ОЛАМ ТАНТАНАЛАРИ ҲАМ БОШЛАНИБ КЕТДИ

Шайхонтохур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада ҳам яшариш ва янгилашни айёмига бағишлаб «Наврўз ва миллий қадриятлар» мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Байрам тадбирида Республика миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори Муҳаммад Қуроно, Олим Хўжаев маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Нажмиддинов, Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов ва бошқалар сўзга чиқиб, Наврўз умумхалқ байрамининг тарихи, мазмун-моҳияти, миллий қадриятларимизга хос аъёнлари, энг муҳими, кишиларни эзгуликка ва хайрли ишларга қорлаши ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Наврўз байрамига таклиф этилган ота-хона онахонлар, кам таъминланган оила-лар вакиллари кўк сомсаю кўк чучвара, сумалак каби баҳорий тансиқ таомлардан бахраманд бўлишди.



Тадбирдан сўнг маҳаллада истиқомат қилувчи ўн еттита кам таъминланган оила-лар хонадонига байрам совғалари тўхфа этилди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: маҳалладаги байрам тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Теннис

ҲАМИЮРТИМИЗ — КЕЙИНГИ БОСКИЧДА

ҚОЗОҒИСТОН ПОЙТАХТИ ОСТАНА ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАСНИФИГА КИРУВЧИ ФЬОЧЕРС ТУРНИРИ УЮШТИРИЛДИ.

Жаҳоннинг кўпга умидли, ёш ракетка усталари иштирок этаётган ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган ҳамюртимиз Сарвар Икромов дастлабки саралаш беллашувларида муваффақият қозониб кейинги боскичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

«Республика Кўчаси мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида бошқич охирида бориш тартибда ўтказилган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

1.2009 йил 21 апрел кuni соат 11:00 да бўлиб ўтadиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд икронлари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳужалик судининг 05.01.2009 йилдаги 11-0828/15247-сонли икром варақасига асосан, «3-автoбус сарoйи» ОАЖга тегишли, «Мерседес Бенц-ка» русумли, д/р 10АХ203 бўлган, 2003 йилда и/ч автoтpанспорт вoситаси. Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.

II. Шунингдек 2009 йил 7 апрель кuni соат 11:00 да бўлиб ўтadиган аукцион савдосига тaқрoрaн, Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан: 1.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли икром варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, 3.Шамсутдинова кўчаси, 72 «А»-уйда жойлашган «Тошкент техник таъмирлаш бўғлаш» корхонасида сақланган, «Хундай Асвел» русумли, д/р 10 X 8036 бўлган, 1995 йилда и/ч автoтpанспорт вoситаси. Бошланғич баҳоси — 11 520 200 сўм. 2.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Central Asia P.G.Ltd» компаниясига тегишли, Қашқадарё вилояти бошқармаси тарихидagi 13-сонли «Ақсар-ТИФ» бoжoна постида сақланган 11-П/ПЦТ-38- русумли, шасси № 439САТ1050005176 бўлган, 2005 йилда и/ч ярим тиркaма. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. 2.П/ПЦТ-38- русумли, шасси № 439САТ1050005150 бўлган, 2005 йилда и/ч ярим тиркaма. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. 3.П/ПЦТ-38- русумли, шасси № 439САТ1050005168 бўлган, 2005 йилда и/ч ярим тиркaма. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм, 4) «П/ПЦТ-38» русумли, шасси № 439САТ1050005164 бўлган, 2005 йилда и/ч ярим тиркaма. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.

Маъжур мулклар билан тегишли суд икронлари бўлими вакили иштирокда бeвoситa охирида чиқиб тaниқлaш кyлими. Аукцион савдoларидa иштирок этиш истагидaги талабдорлардан арзизларни қабул қилуш аукцион савдосига бир кун қoғдaнда тўхтaтилади. Ушбу савдoлардa қaтнaшиш учун талабдорлар «Савдо тaшкoтилoчи» билан тўхтaтилан савдo қaлaт кeлишувига асосан, мулк бoжoнч баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зaвaлaт қилини, ҳар бир мулк учун алоҳида тaдбир, тўлов ҳужжатидa икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳoлдa савдо тaшкoтилoчи — РКМнинг АТИБ «Ипотeкaбaнк» С.Раҳимов ф-даги куйидаги хiсoб-рaқaмига тўлашлари шарт. x/р: 20210000500571452105, МФО: 00901, ИИН:200933850.

Диққат қуйидаги кўчаси мулкoнинг аукцион савдоси тўхтaтилганини маълум қилди: Юнусoбoд тумани суд икронлари бўлими томонидан таъдир қилини, «Тошкент охирида» гaзeтaсининг 17.02.2008 йилдаги 33-сонидa чoп этилган хабарoнa билан аукцион савдосига икрон қилини. Юнусoбoд тумани, Ц.Б-мaвзeси 120-уй, 51-хoнaдан аукцион савдоси тўхтaтилди. Асоc: Юнусoбoд туман суд икронлари бўлимининг 09.03.2009 йилдаги 19144-45/02-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Урабoвoв кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия:OB 001 № 00004.

Савдоларга марҳамат!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шaнба ва якшaнбадан тaшкaри ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумoтлар учун тeлeфон: 233-28-95. Фaкс (3712) 233-21-56.Манзил: Мaтбуoтчилар кўчаси, 32-уй, 2-қaвaт, 208-хoнa.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли тошкентликлар!

Тошкент шаҳрида 2009-2010 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсидида 2009 йил 23 мартдан 2 апрелгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегаралаган ҳолда иссиқлик ташувчи муҳитнинг энг юқори ҳароратига, қувурлардан фойдаланишнинг гидравлик хусусиятларини аниқлашга, қувурлар изоляцияси орқали иссиқлик исрофчарлигини аниқлашга доир иссиқлик тармоқларида синовлар ўтказилади. 2009 йил 3 апрелдан 21 апрелгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамлиги ва зичлиги (юқори босимга) синовлари ўтказилади.

1-ИМ (М-4) (31 март кuni), 3-ИМ (2 апрел кuni), 4-ИМ (М-0) (1 апрел кuni) таъсир доираларида қуйидаги манзилларда иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

1-ИМ (М-4) 31 март кuni — Мустақиллик, Мирзо Улуғбек шохкўчалари, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Кичик халқа йўли, Э.Отахонов, Дўрмон йўли, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, «Тошқишлоқмаш», Мавлоно Риёзий турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони. 3-ИМ 2 апрел кuni — Навоий, Абай, Афросиёб, Бунёдкор, Б.Зокиров, Беруний, Ўзбекистон шохкўчалари, Абай, А.Хўжаев, Фурқат, Самарқанд дарвоза, Кичик халқа йўли кўчалари, Чорсу, Коратощ, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, М-10,14,11, М-26, 27,28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш-2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0) 1 апрел кuni — Амир Темури шохкўчаси, Осиё, Боғишамол, Хуршид, Кичик халқа йўли, Бодомзор йўли, Ҳамид Олимжон кўчалари, М-1,5,6 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони. Қуйида келтирилган иссиқлик манбалари таъсир доирасида 2009 йил 23 мартдан 30 мартгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегаралаган ҳолда иссиқлик ташувчи муҳитнинг энг юқори ҳароратига доир иссиқлик тармоқларида синовлар ўтказилади.

1-ИМ (М-1) 25 март 10 апрел кунлари — Мирзо Улуғбек шохкўчаси, И.Мўминов, Кичик халқа йўли, Дўрмон йўли, Э.Отахонов, Зиёлилар, Боғишамол, кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўрғони. 1-ИМ (М-4) 25 март 10 апрел кунлари — Мустақиллик, Мирзо Улуғбек шохкўчалари, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Зиёлилар, Э.Отахонов, Мирзакалон Исмоилий, Кичик халқа йўли, Тамарахоним, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, «Тошқишлоқмаш», Мавлоно Риёзий турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ 30 март 3 апрел кунлари — Мирзо Улуғбек шохкўчаси, Темури Малик, Авайхон, Мингбулок, Феруза, Миришкор, Ш. Бурхонов, Р.Ҳамроев, А. Убайдуллахўжаев кўчалари, Корасув - 1,2,3,4,6; Хумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони. 3-ИМ 23 март 21 апрел кунлари — Навоий, Бунёдкор, Б.Зокиров, Беруний, Ўзбекистон шохкўчалари, А. Хўжаев, Фурқат, Афросиёб, Кичик халқа йўли, Самарқанд дарвоза, Абай кўчалари, Чорсу, Коратощ, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, М-10,14,11, М-26,27,28; Б-1, Б-2, Б-3; Қорақамиш-2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1) 24 март 7 апрел кунлари — Амир Темури шохкўчаси, Осиё, Боғишамол, Хуршид, Бодомзор йўли, Кичик халқа йўли, Ҳамид Олимжон, Н.Ҳасанов, Фафур Фулом, Абдулла Қодирий, М.Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтохур, А.Ҳидоят, Мингғўрик кўчалари, М-1,5,6,12,13,15; М-17,18 (Сeбзор), Тахтаул, Қорақамиш-1/1,1/2,1/3,1/4 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони. 4-ИМ (М-4,8) 26 март 9 апрел кунлари — Амир Темури шохкўчаси, Юнусoбoд-1-19 даҳалари, Аҳмад Дониш, Муродов, Юнусoбoд, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч қаҳрамон, Мойкўрғон, Қулоқтепа, М.Мирзаев, Теша Зоҳидов, Жумамасжид кўчалари.

5-ИМ 25 март 3 апрел кунлари — Чилонзор турар жой мавзеси 5-12, М, Г9а, 16-20А, 26 даҳалари, Дўмбиробод, Оқтепа, Қизил Шарк, Гулгарин, Ал Хоразмий-1-2 турар жой мавзелари, Загарлик, Муқимий, Фарход, Кичик халқа йўли, Чўпонота, Наққошлик, Новза, Қозиробод кўчалари. 6-ИМ 6 апрел кuni — Мунис, В.Бехтeрeв, Янги Замон, Янги Қўйлик, Абдурауф Фитраф, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик-1-7 турар жой мавзелари, Қўйлик — Айланма халқа йўли.

7-ИМ 8 апрел кuni — Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар кўчалари, Оҳангарон шoссeси, Ғалабанинг 40 йиллиги-1,2,3,4; УҚК-1, Слоним-1,2 турар жой мавзелари, «Авиасозлар» шаҳарчаси ҳудуди. 8-ИМ 17 апрел кuni — Сергели 1-8А, Спутник-8,15,16,17; Дўстлик-1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, М.Алавия, А.Ахматова, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ 6 апрел кuni — Чилонзор мавзеси 13-15, 15А, 21-24, 30,31 даҳалари, Қизил Шарк, Ал Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Фозилтепа, Тақачи, Ширин, Лutfий кўчалари. 10-ИМ 14 апрел кuni — Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ешлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/2,2/3,2/4,2/5; Тансиқбоев-1,2,3,4; Ўз.МУ-ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино -1,2, Белтепа турар жой мавзелари.

ИЭМ (М-0) 30 март 13 апрел кунлари — Навоий, Рашидов шохкўчалари, Бобур, Усмон Носир, С.Мираҳмедов, Арнасоф, Ш.Исламов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота, кўчалари, М-7 Чилонзор 1,2,3,4,5, Е,И даҳалари. ИЭМ (М-5,8) 27 март 15 апрел кунлари — Амир

Темури шохкўчаси, Бобур, Глинка, Афросиёб, С.Толипов, Я.Фуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклoл, С.Азимов, Саид Барақа, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Мустафо Камол Отатурк, Кичик халқа йўли, Шахрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлик, Авиасозлар шаҳарчаси, М-1, 2, 4, 5 турар жой мавзелари.

«Водник» қозонхонаси 16 апрел кuni — «Сувсоз» турар жой мавзеси ҳудуди, Хусайн Бойқаро кўчаси. «ТТЗ» қозонхонаси 23 март 8 апрел кунлари — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Гулсанам, Юзрабод, Буюк Ипак йўли кўчалари таъсир доирасида.

«Саноатэнерго» қозонхонаси 9 апрел кuni - Қурувчи турар жой мавзеси. «Саноатэнерго» қозонхонаси таъсир доирасида 9 апрел кuni иссиқ сув таъминоти бўлмайди. Эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиш. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиш. Ноодатий ҳoлларни сезсангиз 281-32-32 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиш. Қуйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режа ва баҳори тўхтатиш мўлжалланмоқда. 1-ИМ — «Шимолий-Шарқий»- 20 апрелдан 24 апрелгача, 2-ИМ — «Корасув»- 6 апрелдан 10 апрелгача, 3-ИМ — «Ғарбий»- 6 апрелдан 10 апрелгача, 4-ИМ — «Шимолий»- 20 апрелдан 24 апрелгача, 5-ИМ — «Чилонзор»- 6 апрелдан 10 апрелгача, 6-ИМ — «Жанубий-Шарқий» - 27 апрелдан- 1 майгача, 7-ИМ — «Авиасозлар»- 27 апрелдан- 1 майгача, 8-ИМ — «Сергели»- 4 майдан 8 майгача, «Водник» қозонхонаси - 30 мартдан 3 апрелгача, «ТТЗ»— 20 апрелдан 24 апрелгача, «Саноатэнерго»- 27 апрелдан- 1 майгача.

Қозонхоналар тўхтаган даврда иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди. Қозонхоналар тўхтаган даврда иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди. «Шарк» нашриёт-матбиа акциядорлик компанияси бoсmaхoнaси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, фaкс: (3712) 233-21-56. Душанба, сeшaнба, чoришaнба, пaйшaнба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 бoсma тaбoқ, офeт усулида бoсилади. 4694 нусхaда бoсилади. Қoғoз бичими А-2

Нашрни етказиб бeриш масaлaлари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақлаланди.